

НУТҚНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСИ

А.Умаров

АДУ ўқитувчиси

Аннотация: Тил – бу фикрни ифодаловчи ва фикрни мавжудлигини кўрсатувчи воситадир. Фикрлаш натижалари сўз ва гапларда ўз ифодасини топади, улар ёрдамида фикрлар алмашиши имкони пайдо бўлади.

Калит сўзлар: тил, нутқ, товуш, инсон, морфема, сўз, фикр, фаолият, система.

Аннотация: язык - это инструмент, который выражает мысль и указывает на существование мысли. Результаты мышления выражаются в словах и предложениях, с помощью которых можно обмениваться идеями.

Ключевые слова: язык, речь, звук, человек, морфема, слово, мысль, деятельность, система.

Annotation: language is a tool that expresses thought and indicates the existence of thought. The results of thinking are expressed in words and sentences, with which it is possible to exchange ideas.

Keywords: language, speech, sound, human, morpheme, word, thought, activity, system.

Ҳар қандай нутқ товуши, аввало, нутқ аъзоларининг ҳаракати туфайли талаффуз этилади, яъни физиологик хусусиятга эга. Муайян сўз ва морфеманинг маъно томони билан товуш қобиғи биргаликда инсон онгида шаклланади. Инсон маълум товушлар мажмуини эшитиш орқали қабул қиларкан, ушбу мажмуи заминидаги маънони идрок этади.

Нутқ товушларининг ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш XVII асрда бошланган бўлиб, бу ҳол кар-соқовларни ўқитиш эҳтиёжидан келиб чиққан (испаниялик Х.П.Бонет, англиялик Ж.Уилкинс, нидерландиялик И.Амман асарлари). Тилнинг товуш томонини ҳар жиҳатдан лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш биринчи марта немис олими Э.Зиверснинг «Товуш физиологияси асослари» (1876, 2-нашри «Фонетика асослари» деб номланади, 1881) асарида кузатилади.¹

¹ Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик, III жилд. – Тошкент, Академнашр, 2012. –Б.105.

Тил гарчи вазифа бажариш нуқтаи назаридан ижтимоий характерга эга бўлса-да, лекин юзага чиқиш нуқтаи назаридан инсоннинг физиологик тузилиши билан узвий боғлиқ. Чунки лисоний фаолият бош мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда, нутқ органларининг ҳаракати ҳосиласи сифатида юзага чиқади.¹ Бу эса тилшунослик билан физиологиянинг ўзаро боғлиқ эканини кўрсатади.

Инсоннинг билиш фаолиятида нутқ муҳим аҳамият касб этади. Жонзотлар ичида олий зот сифатида инсонгагина, Павлов таъбири билан айтганда, иккинчи сигнал системаси ато этилган. Инсондан бошқа жонзотлар фақат биринчи сигнал системасига эга бўлса, инсон акустик сигналлар орқали объектив олам ҳақида маълумот узатиш ва уни қабул қилиш қобилиятига ҳам эга.²

Инсонларда меҳнат ва ижтимоий фаолиятлари туфайли иккинчи сигналлар тизими – нутқ ривожланган. Нутқдаги сўзлар, нарсаларнинг рамзи, сифати, моддий дунё воқеликлари ҳақидаги кучли, шартли таъсирловчилардир. Бу сигнал тизими – талаффуз қилинган ёки ўқилган сўзларни қабул қилишдан иборат.

Болаларда сўзларни тушиниш, сўнгра талаффуз қилиш, эшитилган сўзларни айрим воқелик нарсалар билан боғлиқлигини англаши натижасида келиб чиқади. Иккинчи сигнал тизими ҳосил бўлиши ва ривожланиши натижасида воқеликни онгда абстракт акс этиши ва уларда тушунча, тасаввур ҳосил бўлиш имкониятлари пайдо бўлади.

Сўзлар ёрдамида биринчи сигнал тизими орқали олинган сиймоларни сезишдан, иккинчи сигнал тизими ёрдамида тасаввур қилиш ва тушинишга ўтилади. Фикрлаш жараёнининг асосида сўзлар ёрдамида ифодаланган мавҳум тушунчалар билан ишлаш ётади.

Тил – бу фикрни ифодаловчи ва фикрни мавжудлигини кўрсатувчи воситадир. Фикрлаш натижалари сўз ва гапларда ўз ифодасини топади, улар ёрдамида фикрлар алмашиш имкони пайдо бўлади.

Нутқ сўзлар ёрдамида жуда кўп аъзолар фаолиятини бошқаришда иштирок этади. Сўзлар физиологик фаол омил бўлиб, ички аъзолар фаолиятини, модда алмашинув жараёнини жадаллигини, мушаклар ва сенсор тизимлар фаолиятини ўзгартира олади. Масалан, айтилган ёқимли сўзлар иш қобилиятини ошириш ва хушкайфият ҳосил қилиши мумкин ёки бемор олдида айтилган бирорта ноўрин сўз унинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

¹ А.Нурмонов, Б.Йўлдошев. Тилшунослик ва табиий фанлар. –Тошкент, Шарқ, 2001. -Б.18

² А.Nurmonov. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. –Toshkent, Akademnashr, 2010. –B.4.

Нутқнинг физиологик асоси – иккинчи сигнал тизими ҳаракат, эшитиш, кўриш анализаторлари ва миянинг пешона соҳаси фаолиятлари натижасида ҳосил бўлади.

Товуш сезгилари – инсон товуш тебранишлар частотасини 16 Гц дан 20 000 Гц гача қабул қилади.¹ Бу асосан эшитув анализаторлари орқали амалга оширилади. Товуш тебранишларининг юқори чегараси инсоннинг ёшига боғлиқ бўлади, ёши ўтган сари пасайиб боради. Шунинг учун кексалар юқори тонларни (16 Гц дан 20 000 Гц гача бўлган частота) эшитмайди. Кар-соқовларнинг эшитув анализаторлари яхши ривожланмаганлиги оқибатида нутқ тўла шаклланмай қолади.

Инсонларнинг қулоғи секундига 1000 дан 3000 гача тебранадиган товушларни максимал даражада сезади. Бу частоталар доирасидан фақат энергияли товуш эшитилади. Бунинг натижасида асосий ва қўшимча нутқ майдони ҳосил бўлади.

Нутқнинг бошқарилиши – товуш мушаклари, пайлари, боғламлари рецепторларидан афферент импульслар олувчи бош мия пўстлоғини ишга туширувчи ва бошқарувчи таъсири билан боғлиқ.

Нутқни ҳаракатлантирувчи (брок) марказ бош мия пўстлоғининг пешона соҳасидаги иккинчи ва учинчи пушталаарида жойлашган. Нутқни қабул қилиш уни ҳаракатлантирувчи ва қабул қилувчи (веркине) марказлари орқали амалга оширилади.

Демак, иккинчи сигнал тизимидаги фикрлаш, идрок, тасаввур, диққат ва хотира асосида нутқ ривожланади.

Адабиётлар:

1. Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилдлик, III жилд. – Тошкент, Академнашр, 2012.
2. А.Нурмонов, Б.Йўлдошев. Тилшунослик ва табиий фанлар. –Тошкент, Шарқ, 2001.
3. A.Nurmonov. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. –Toshkent, Akademnashr, 2010.
4. О.Т.Алавия, Ш.Қ.Қодиров, А.Н.Қодиров, Ш.Х.Ҳамрақулов, Э.Х.Ҳалилов. Нормал физиология. –Тошкент. Янги аср авлоди. 2007.

¹ О.Т.Алавия, Ш.Қ.Қодиров, А.Н.Қодиров, Ш.Х.Ҳамрақулов, Э.Х.Ҳалилов. Нормал физиология. –Тошкент. Янги аср авлоди. 2007. –Б.485.